

**«Юнусобод дехкон бозори» АЖ акциядорларининг
навбатдан ташқари умумий йиғилиш
баёни**

2023 йил 7 сентябр

Тошкент шаҳри

Овоз берувчи акциялар сони: 650 000

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Юнусобод 3 мавзеси жамият маъмурий биносида 2023 йил 7 сентябр куни ўтказилди. Йиғилишда 622316 овозга эга акциядорлар катнашди, бу жами акциядорларнинг 94,97 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

К.Р.Расулов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК директор ўринбосари
У.Отабаев – «Юнусобод дехкон бозори» АЖ директори

Тошкент шаҳар ҳокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг директор ўринбосари яъни “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи К.Р.Расулов юборилган.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси К.Р.Расулов олиб борди.

К.Р.Расулов йиғилиш ўтказиш учун кворум 94.97 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Э.Б.Кучаров номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, К.Р.Расулов йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Ф.Закирова, Н.Алимова ва Ш.Юлдашевларни овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси К.Р.Расулов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масала киритилганлигини маълум қилди:

1.Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ва кенгаш таркибини қайтадан сайлаш.

Йиғилиш раиси К.Р.Расулов кун тартибидаги масалани муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масала юзасидан регламент қуйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Кун тартибидаги масалага 5 минут муҳокамада сўзга чиқувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қуйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиқиб, Кузатув кенгаш аъзоси Д.Ганиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг ўрнига янги кенгаш аъзоси сайлаш зарурияти туғилганлиги сабабли жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик килувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Қарор қабул қилади.

1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

- 1.1. Раззақов Аҳад Анварович (жамият устав фондининг 94,94 % акциядори “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК вакили) 622316 - та овоз
- 1.2. Расулов Камолитдин Райимберди ўғли (жамият устав фондининг 94.94 % акциядори “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК вакили) 622316 - та овоз
- 1.3. Арифов Равшан Абдуллаевич (жамият устав фондининг 94.94% акциядори “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК вакили) 622316 - та овоз
- 1.4. Шамансуров Шоаброр Шамаҳкамович (жамият устав фондининг 94,94 % акциядори “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК вакили) 622316 - та овоз
- 1.5. Камолов Толмас Каримович (жамият устав фондининг 94,94 % акциядори “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК вакили) 622316 - та овоз
- 1.6. Чоршанбиев Акмал Курбонович (жамият устав фондининг 94,94 % акциядори “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК вакили) 622316 - та овоз
- 1.7. Халилова Наргиза Баяржановна -акциядор, мустақил аъзо 622316 - та овоз

2. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: 15 сентябр 2023 йил.

Мажлис раиси

К.Р.Расулов

Мажлис котиби

Э.Кучаров